Европа Иттифоқининг Ўзбекистон Республикаси учун ТАСИС Дастури

Программа ТАСИС Европейского Союза для Республики Узбекистан

The European Union's TACIS Programme for the Republic of Uzbekistan

# ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИ ТАҲЛИЛИ

# UZBEK LAW REVIEW

# ОБЗОР ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА УЗБЕКИСТАНА

**2005**

**№3-4**

FUNDED BY
EUROPEAID
CO-OPERATION OFFICE

gtz
KALLIMOPOULOS & LOUKOPOULOS CHIOTELLIS law firm

LAW CLINIC

TOSHKENT DAVLAT YURIDIK INSTITUTI

SIPCA III project implemented
by GTZ-KLC Consortium

ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ
ЮРИДИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ

## ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

**БОШ МУҲАРРИР:**
**Гулямов Сайдилла Саидахрарович** – юридик фанлари доктори, ТДЮИ "Халқаро хусусий ҳуқуқ" кафедраси профессори в.б.

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ АЪЗОЛАРИ:**
**Рустамбоев Мирзаюсуф Ҳакимович** – ю.ф.д., проф., ТДЮИ Ректори **(Раис)**
**Раҳмонқулов Хожи-Акбар Раҳмонқулович** – ю.ф.д., акад., проф., ТДЮИ "Халқаро хусусий ҳуқуқ" кафедраси мудири
**Исмоилов Нурдинжон Мўйдинханович** – ю.ф.н., Олий Мажлиснинг Суд-ҳуқуқ ислоҳотлари бўйича қўмитаси раиси
**Жамолов Бахтиёр Ўроқович** – Ўзбекистон Республикаси Олий Суди раисининг ўринбосари
**Икромов Музроб Мубораkхўжаевич** – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Қонунчилик бошқармаси бошлиғи
**Оқюлов Омонбой** – ю.ф.д., ТДЮИ "Хўжалик ва меҳнат ҳуқуқи" кафедраси проф. в.б.
**Турсунова Гулнора Нигматуллаевна** – ф.ф.н., ТДЮИ халқаро алоқалар бўлими бошлиғи
**Мр.Ханс-Юрген Херинг** – СРСПС 3 лойиҳа гуруҳи раҳбари (EuropeAid)
**Мр.Клаус Шмитц** – қонунчилик бўйича Европа етакчи эксперти

Маълумот олиш учун қуйидагиларга мурожаат этиш сўралади:
**Гулямов Сайдилла Саидахрарович,**
**Котова Мадина Дамировна**
ТДЮИ, Халқаро хусусий ҳуқуқ кафедраси,
Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., 100047,
Сайилгоҳ кўчаси, 35. Тел: 133-43-59

**SIPCA III лойиҳаси**
Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., 100077,
Буюк Ипак йўли кўчаси, 75.

"Ўзбекистон қонунчилиги таҳлили"нинг электрон нусхаси Интернетдаги www.tsil.uz ва www.lda-uz.com сайтларида жойлаштирилган.

**"Legal Defense Advisory"** адвокатлик фирмаси
Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш.,
пр.Ўзбекистон, 49. Тел.:132-64-23

Журнал 2004 йилдан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Олий Аттестация комиссияси журналлари рўйхатига киритилган.

Мазкур журнал Европа Иттифоқи кўмагида тайёрланди. Мазкур журналга Юридик клиника ва ГТЗ масъул ҳисобланади. Ушбу ҳужжатда баён этилган натижалар, хулосалар, талқинлар уларнинг муаллифларига тегишли бўлиб, Ўзбекистон ёки Европа Иттифоқи ҳукуматлари сиёсати ёки фикрини акс эттирмайди.

2006 йилда нашр этилди.

Муаллифлик ҳуқуқлари Юридик клиникага, Тошкент Давлат юридик институтига тегишли. Барча ҳуқуқлар ҳимояланган. Журнал материалларидан фойдаланиш, тарқатиш ва кўпайтириш Юридик клиника рухсати билан амалга оширилади. Ушбу масалалар бўйича Юридик клиникага мурожаат этилади. Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., 100047, Сайилгоҳ кўчаси, 35. Тел.:132-27-08, 133-43-59.

Бош муҳаррир ассистенти: **Котова М.Д.**
Нашриёт муҳаррири: **Кнопов Б.И.**
Техник муҳаррирлар: **Ходжимухамедов Ж.Ж., Қардош Н.Ф.**

Лицензия № 02-84.
Босишга рухсат этилди – 20.01.2006
Нашриёт ҳисоб табоғи – 11,6
"Art Line Group" босмахонасида босилди
Адади – 1000 нусха

**ИЛМИЙ ТАҲЛИЛИЙ ЖУРНАЛ** ***3-4/2005***

# МУНДАРИЖА

## КОРПОРАТИВ ҲУҚУҚ

**С. Гулямов**
Цивилистикада акциядорлик жамияти ва акциядорлар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатларнинг изоҳи ........ 5
**Ю. Назаров**
Қимматли қоғозлар муомаласининг давлат томонидан тартибга солиниши ........ 12
**А. Насибов**
Оқилона танлаш назариясининг ҳуқуқий жиҳатлари бўйича танқидий мулоҳазалар ........ 21
**Н. Лопаева**
Юридик шахсни банкрот деб топишнинг ҳуқуқий оқибатлари ........ 26
**Ш. Шамшетов**
Кредит ташкилотларида бошқарув тизимини ҳуқуқий тартибга солиш муаммолари ........ 29
**А. Ахмедов, М. Махаматов**
Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув муаммолари ........ 33
**О. Нарзиев**
Ўзбекистон фонд бозори фаолиятининг ҳуқуқий асослари ва уни такомиллаштириш муаммолари ........ 39
**З. Ахмаджанова**
Дивидендларнинг ҳуқуқий табиати ........ 43

## ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ

**О. Хазраткулов**
Бозор иқтисодиёти шароитида лизинг муаммоларини ҳал этиш тартиби ........ 47
**М. Рустамбекова**
Микрокредитлашда гаровдан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари ........ 51
**Л. Мазинова**
"Холдинг" тушунчасининг ҳуқуқий муаммолари ........ 57
**Н. Рахманкулова**
Ўзбекистон Республикаси оила қонунчилиги бўйича никоҳ тузиш тартиби ........ 62
**Н. Қардош**
Мажбурий суғуртанинг ҳуқуқий тартибга солиниши ........ 64

## ХАЛҚАРО ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАР

**И. Умарахунов**
Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалар тўғрисидаги қонурчилигини такомиллаштириш муаммолари ........ 68
**Х. Халикова**
Халқаро меҳнат миграциясини тартибга солиш ва меҳнат мигрантларининг ҳуқуқий мақомини тартибга солиш масалалари. (Польша ҳуқуқи мисолида) ........ 76

## ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ

**Ф. Раджабов**
Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар ва уларни декриминализация қилиш зарурияти ........ 80

## ЕР ҲУҚУҚИ

**С. Ҳамроев**
Фуқаролик ҳуқуқининг объекти сифатида геологик ва бошқа ахборотларнинг ҳуқуқий табиати ........ 83
**З. Унарова**
Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг ҳуқуқий ҳолати, улардан фойдаланишдаги имтиёзлар ........ 86
**У. Муҳитдинова**
Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида ишбилармонлик муҳитини ривожлантириш еханизмлари ........ 88
**2005 йилнинг III ва IV чоракларида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг асосий қонунчилик ҳужжатлар** ........ 91

## EDITORIAL BOARD

**GENERAL MANAGER:**
**Dr. Gulyamov Saydilla** – Professor of International Private Law Department of TSIL

**MEMBERS OF EDITORIAL BOARD:**
**Prof. Rustambayev Mirzayusuf** – The Rector of TSIL (Chairman)
**Acad. Rakhmankulov Hodji-Akbar** – The Head of Department "International Private Law"
**Mr. Ismoilov Nurdinjon** – The Chairman of Committee of judicial reform in Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan
**Mr. Jamolov Bahtiyor** – The Deputy Chairman of Supreme Court of the Republic of Uzbekistan
**Mr. Ikramov Muzrob** – The Head of Legislature Administration of Ministry of Justice of the Republic of Uzbekistan
**Dr. Okyulov Omonboy** – Professor of Tashkent State Institute of Law
**Tursunova Gulnara** – PhD in Law, chief of international department of TSIL
**Mr. Hans-Jürgen Hering** – Team Leader of SIPCA III Project (EuropeAid)
**Mr. Klaus J. Schmitz** – Key Expert SIPCA III for Justice and Home Affairs



For further information please contact:
**Mr. Gulyamov Saydilla,**
**Ms. Kotova Madina**
35, Sayilgoh Street, TSIL, Department of "International Private Law", Tashkent,
100047, Uzbekistan. Tel.: 133-43-59

**SIPCA III Project**
75, Buyuk Ipak Yuli Street.
Tashkent, 100077, Uzbekistan.

Electronic copy of "Uzbek Law Review" journal can be found at **www.tsil.uz** and **www.lda-uz.com**

**"Legal Defense Advisory"** Law Firm
The Republic of Uzbekistan, Tashkent,
Uzbekistanskaya Str.,49. Tel.: 132-64-23

The journal was registered in the list of the High Attestation Comission of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan in 2004.

This journal has been produced with the assistance of the European Union. The contents of this publication are the sole responsibility of the Legal Clinic and GTZ. The findings, conclusions and interpretations expressed in the document are those of the authors alone and can in no way be taken to reflect the views of the Republic of Uzbekistan or the European Union.

Published in 2006.


Copyright by Law Clinic, Tashkent State Institute of Law of Ministry of Justice of the Republic of Uzbekistan. All rights reserved. Enquiries concerning reproduction should be addressed to Law Clinic, TSIL, 100047, 35, Sayilgoh Street, Tashkent, Uzbekistan. Tel: 132-27-08; 133-43-59.


Assistant of general manager: **M.D. Kotova**
Publishing editor: **B.I. Knopov**
Technical editors: **J.J. Hodjimuhamedov, N.F. Qardosh**

License No. 02-84
Authorized to issue – 20.01.2006
Printed in "Art Line Group" print house
Number of copies – 1000



**SCIENTIFIC ANALYTICAL JOURNAL** ***3-4/2005***


## CONTENTS


### CORPORATE LAW

**S. Gulyamov**
The Nature of Legal Relations between Public Limited Companies (PLCs) and Shareholders in Civil Law ........ 5
**Y. Nazarov**
State Regulation of Securities Operations ........ 12
**A. Nasibov**
The Legal Aspect of the Criticism of the Theory of Rational Choice ........ 21
**N. Lopaeva**
The Legal Effects of a Legal Entity's Bankruptcy ........ 26
**Sh. Shamshetov**
The Problems of Regulating Management of Credit Unions ........ 29
**A. Akhmedov, M. Mahamatov**
The Problems of Corporate Management in Public Limited Companies (PLCs) ........ 33
**O. Narziev**
The Legal Base and the Difficulties in Improving Stock Market Activity in Uzbekistan ........ 39
**Z. Akhmadjanova**
The Legal Nature of Dividends ........ 43

### CIVIL LAW

**O. Khazratkulov**
Leasing Problems and their Solution in a Market Economy ........ 47
**M. Rustambekova**
The Features of the Mortgage's Application in Microlending ........ 51
**L. Mazinova**
Legal Regulation of Holdings ........ 57
N. Rakhmankulova
Marriage Legislation in Uzbekistan ........ 62
N. Qardosh
Legal Regulation of Various Obligatory Insurances ........ 64

### INTERNATIONAL LEGAL RELATIONS

I. Umarahunov
Some Questions on Improvement of the Present Law on International Treaties of the Republic of Uzbekistan ........ 68
**Kh. Khalikova**
Regulation of the International Labour Migration and Legal Status of Labour Migrants under Polish Law ........ 76

### CRIMINAL LAW

**F. Radjabov**
White Collar Crime and the Need to Depenalise ........ 80

### LAND LAW

**S. Hamroev**
Legal Nature of Geological Information about the Earth's Interior as an Object of Civil Law ........ 83
**Z. Unarova**
The Legal Status of the Agricultural Lands: priority of use ........ 86
**U. Mukhitdinova**
Development of a Business Environment in the Agricultural Sector of Uzbekistan ........ 88

**The main legislative acts adopted in the Republic of Uzbekistan for the 3rd and 4th quarters of 2005** ........ 91

## РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ

### ГЛАВНЫЙ РЕДАКТОР:

**Гулямов Сайдилла Саидахрарович** – доктор юридических наук, и.о. профессора кафедры "Международное частное право" ТГЮИ

### ЧЛЕНЫ РЕДКОЛЛЕГИИ:

**Рустамбаев Мирзаюсуф Хакимович** – д.ю.н., проф., Ректор ТГЮИ (Председатель)
**Рахманкулов Ходжи-Акбар Рахманкулович** – д.ю.н., акад., проф., зав. кафедрой "Международное частное право" ТГЮИ
**Исмаилов Нурдинжон Муйдинханович** – к.ю.н., Председатель Комитета Олий Мажлиса по судебно-правовой реформе.
**Жамолов Бахтиер Уракович** – заместитель Председателя Верховного Суда Республики Узбекистан
**Икрамов Музроб Мубораххужаевич** – начальник Управления по законодательству Министерства юстиции Республики Узбекистан
**Окюлов Омонбой** – д.ю.н., и.о. проф. кафедры "Хозяйственное и трудовое право" ТГЮИ
**Турсунова Гулнара Нигматуллаевна** – к.ф.н., начальник отдела международных отношений ТГЮИ
**Мр.Ханс-Юрген Херинг** – руководитель группы проекта СРСПС 3 (EuropeAid)
**Мр.Клаус Шмитц** – главный эксперт проекта СИПКА 3 по юриспруденции



Для получения информации просим обращаться:
**Гулямов Сайдилла Саидахрарович,**
**Котова Мадина Дамировна**
ТГЮИ, кафедра МЧП,
Республика Узбекистан, Ташкент, 100047,
ул.Сайилгох, 35. Тел.: 133-43-59.

**Проект SIPCA III**
Республика Узбекистан, Ташкент, 100077,
ул.Буюк Ипак йули, 75



Электронная версия "Обзор законодательства Узбекистана" размещена на Интернет сайтах:
**www.tsil.uz и www.lda-uz.com**



Адвокатская фирма **"Legal Defense Advisory"**
Республика Узбекистан, г.Ташкент,
пр. Узбекистанская, 49. Тел.:132-64-23



Журнал включен в список Высшей Аттестационной Комиссии Кабинета Министров Республики Узбекистан в 2004г.

Журнал был подготовлен при содействии Европейского Союза. За содержание журнала ответственны ЮК и ГТЗ. Результаты, заключения, толкования, выраженные в этом документе, принадлежат только их авторам и не отражают политики или мнения правительства Республики Узбекистан или Европейского Союза.

Опубликовано в 2006 г.



Авторские права принадлежат Юридической Клинике, Ташкентскому Государственному юридическому институту Министерства юстиции Республики Узбекистан. Все права защищены. Публикация может производиться, распространяться или передаваться в какой-либо форме с разрешения Юридической клиники. По вопросам воспроизведения обращаться в Юридическую Клинику. Республика Узбекистан, Ташкент, 100047, ул. Сайилгох, 35. Тел.: 132-27-08; 133-43-59.



Ассистент главного редактора: **М.Д. Котова**
Издательский редактор: **Б.И. Кнопов**
Технические редакторы: **Ж.Ж. Ходжимухамедов, Н.Ф. Кардош**

Лицензия № 02-84
Подписано к печати – 20.01.2006
Уч.- изд. лист. – 11,6
Отпечатано в типографии "Art Line Group".
Тираж – 1000



**НАУЧНЫЙ АНАЛИТИЧЕСКИЙ ЖУРНАЛ** ***3-4/2005***


## СОДЕРЖАНИЕ


### КОРПОРАТИВНОЕ ПРАВО

**С. Гулямов**
Природа правовых отношений между акционерным обществом и акционерами в цивилистике ........ 5
**Ю. Назаров**
Государственное регулирование обращения ценных бумаг ........ 12
**А. Насибов**
К критике теории рационального выбора (правовой аспект) ........ 21
**Н. Лопаева**
Правовые последствия признания юридического лица банкротом ... 26
**Ш. Шамшетов**
Проблемы законодательного регулирования системы управления в кредитных союзах ........ 29
**А. Ахмедов, М. Махаматов**
Проблемы корпоративного управления в акционерных обществах ..... 33
**О. Нарзиев**
Правовая основа и проблемы совершенствования деятельности фондовых рынков в Узбекистане ........ 39
**З. Ахмаджанова**
Правовая природа дивидендов ........ 43

### ГРАЖДАНСКОЕ ПРАВО

**О. Хазраткулов**
Порядок решения проблем лизинга в условиях рыночной экономики ........ 47
**М. Рустамбекова**
Особенности применения залога при микрокредитовании ........ 51
**Л. Мазинова**
Проблема правового определения "холдинга" ........ 57
**Н. Рахманкулова**
Порядок заключения брака по законодательству Республики Узбекистан ........ 62
**Н. Кардош**
Правовое регулирование обязательного страхования ........ 64

### МЕЖДУНАРОДНЫЕ ПРАВОВЫЕ ОТНОШЕНИЯ

**И. Умарахунов**
Некоторые вопросы совершенствования действующего Закона Республики Узбекистан "О международных договорах" ........ 68
**Х. Халикова**
Регулирование международной трудовой миграции и правового статуса трудовых мигрантов (на примере польского права) ........ 76

### УГОЛОВНОЕ ПРАВО

**Ф. Раджабов**
Преступления в сфере экономики и необходимость их декриминализации ........ 80

### ЗЕМЕЛЬНОЕ ПРАВО

**С. Хамраев**
Правовая природа геологической информации о недрах как объекта гражданского права ........ 83
**З. Унарова**
Правовое положение земель сельскохозяйственного назначения: приоритеты пользования ........ 86
**У. Мухитдинова**
О механизмах развития деловой среды в сельском хозяйстве Узбекистана ........ 88

**Основные законодательные акты, принятые в Республике Узбекистан за III и IV кварталы 2005 г.** ........ 91

С.С. Гулямов
Юридик фанлари доктори

# ЦИВИЛИСТИКАДА АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ВА АКЦИЯДОРЛАР ЎРТАСИДАГИ ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРНИНГ ИЗОҲИ

Акциядорларнинг ҳуқуқий мақоми миллий ва ғарб ҳуқуқий адабиётларида ҳалигача низоли бўлиб келмоқда. Фикрларнинг бундай хилма-хиллиги ғарб ҳуқуқий адабиётида Берл ва Минс[1], Фридман[2], шунингдек, шартнома назариялари (масалан, Уильямсоннинг асарлари) [3], агентлик назарияси[4] каби номларда машҳур бўлган иқтисодий-ҳуқуқий йўналишдаги замонавий тадқиқотларда ўз аксини топган. Россия ҳуқуқ фанида бу борада тадқиқотлар олиб борган Г.Ф.Шершеневич[5], А.М.Эрделевский[6], П.В.Степанов[7], Д.И.Дедов[8] каби олимларни мисол келтириш мумкин. Бунда, шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, аксарият умумий ҳуқуқ тизимидаги ғарб муаллифлари асарларида иқтисодий жиҳатдан нисбатан самарали назария ҳамда бундай назарияларнинг корпорация моҳияти ҳақидаги ижтимоий назариялар билан ўзаро кураши ҳақида баҳс кетса[9], миллий цивилистика фанида, фикримизча, мавжуд фуқаролик-ҳуқуқий институтларига акциядорлик муносабатларини энг мақбул усулда киритиш асосий масала бўлди. Бу муаммонинг серқирралиги ва натижада акциядорлар ҳамда акциядорлик жамияти ўртасидаги ўзаро мулкий муносабатларнинг назарий ва амалий нуқтаи назардан чигаллашиши билан изоҳланади.

Акциядорлик жамиятлари "корпорациялар" деб номланадиган АҚШда АЖнинг қуйидаги белгилари ажратилади: 1) АЖни шартнома орқали боғловчи ва бу шартномаларни АЖнинг мулкдорларидан алоҳида ҳолдаги мулки билан таъминловчи аниқ белгиланган ваколатларни инобатга олган ҳолда тўла ҳуқуқий субъектлилик (Генри Хансменн ва Рэйнер Крэкмен таъкидлашича)[10]; 2) мулкдорлар (акциядорлар)нинг чекланган жавобгарлиги; 3) инвесторларнинг капиталга алоҳида эгалик қилиши; 4) ваколатли менежментни четдан бошқариш; 5) жамиятда улушни (акцияларни) бериш ҳуқуқи[11]. Фикримизча, мазкур белгилар кенг тарқалган акциядорлик эгалиги ва акциядорлардан алоҳида тарзда ҳаракат қилувчи менежментлар мавжуд бўлган Америка акциядорлик жамиятларининг ижтимоий моҳиятини яққол ўзида акс эттиради[12]. Айнан шу тамойилларнинг бугунги кунда мамлакатда акциядорлик фаолиятини ҳуқуқий ташкил этишнинг нисбатан самарали эканлигини намоён этган АҚШ суд-қонунчилик доктринасида ўз ифодасини топиши тасодифий эмас[13]. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, англосаксон ҳуқуқ тизимидаги мамлакатларда АЖ тушунчаси юқоридаги белгилар билан чекланиб қолмасдан, мажмуа сифатида АЖнинг алоҳида белгиларини ўзида акс эттирадиган бир қатор процент меъёрлар билан ҳам аниқланади[14].

Ўзбекистон қонунчилигида, хусусан Фуқаролик кодекси[15] (матнда кейинги ўринларда ФК) ва бир қаторда махсус қонунларда, акциядорлик жамияти тушунчаси жуда қисқа берилган. ФК нинг 64-моддасида "Устав фонди муайян акциялар сонига бўлинган жамият акциядорлар жамияти ҳисобланади; акциядорлик жамиятининг иштирокчилари (акциядорлар) унинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайдилар ва жамият фаолияти билан боғлиқ зарар учун ўзларига қарашли акциялар қиймати доирасида жавобгар бўладилар". Ўзбекистон Республикаси "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунининг 2-моддаси 1-қисмида эса акциядорлик жамиятига қуйидагича таъриф берилади: "устав фонди жамиятнинг акциядорларга нисбатан мажбуриятларини тасдиқловчи муайян миқдордаги акцияларга тақсимланган хўжалик юритувчи субъект акциядорлик жамияти деб ҳисобланади." Мазкур модданинг 3-қисмида эса жамиятнинг юридик шахс ҳисобланиши ва у ўзининг мустақил балансида ҳисобга олинадиган алоҳида мол-мулкка эга бўлиши, ўз номидан мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкинлиги назарда тутилади. Қонун 4-моддасининг 2-қисмида эса акциядорларнинг жамият мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмаслиги ва уларнинг фаолияти билан боғлиқ зиёнларни ўзларига тегишли акциялар қиймати доирасида тўлашликлари кўрсатилади.

Мазкур тушунчалардан келиб чиқиб, АЖнинг

[1] Қаранг: Berle A.A., Means G.C. The Modern Corporation and Private Property. New York: The MacMillan Company, 1932.

[2] Қаранг: Friedman M. Capitalism and Freedom // Chicago University Press. Chicago, 1962; Friedman M. The Social Responsibility of Business is to Increase its Profits // New York Times Magazine. September 13, 1970. P.32–33, 122, 124, 126.

[3] Қаранг: William Letwin. Law and Economic Policy in America 65. – NY, 1965; J.Willard Hurst. The Legitimacy of the Business Corporation in the Law of the United States 1780–1970. – 1970. P.33–36; Lawrence Friedman. A History of American Law: 2d ed. Chicago, 1985. P.194–198.

[4] Қаранг: Ronald Coase. The Nature of the Firm // Economica. 1937. No 4. P.386–405; Bolton P. and Scharfstein D. Theory of Predation based on Agency Problems in Financial Contracting // American Economic Review. 1990. №80. – P.94–106; Jensen M.C., Meckling W.H. Theory of the Firm: Managerial Behaviour, Agency Costs, and Ownership Structure // Journal of Financial Economics. 1976. Vol. 3. P.305–360; Fama E., Jensen M.C. Agency Problems and Residual Claims // Journal of Law and Economics. 1983. Vol. 26. P.327–352; Eisenhardt K.M. Agency Theory: An Assessment and Review // Academy of Management Review. 1989. Vol. 14. No.1. P.58–76.

[5] Қаранг: Шершеневич Г.Ф. Курс гражданского права. – Тула: Автограф, 2001. С.128.

[6] Қаранг: Эрделевский А.М. О защите личных неимущественных прав акционеров // Хозяйство и общество. 1997. № 6. С.42–51.

[7] Қаранг: Степанов П.В. Корпоративные отношения в коммерческих организациях как составная часть предмета гражданского права: Автореф. дис... к.ю.н. М., 1999.

[8] Қаранг: Башкинскас В.Ю., Дедов Д.И., Карелина С.А. Правовое регулирование деятельности акционерных обществ. М., 1999.

[9] Айнан шу туфайли XX асрнинг 80-йилларида АҚШда асосий мақсади акциядорлик жамиятлари фаолияти билан боғлиқ муаммоларни иқтисодий-ҳуқуқий жиҳатдан таҳлил этиш бўлган янги "иқтисод ва ҳуқуқ" йўналиши пайдо бўлди.

[10] Қаранг: Henry Hansmann and Reinier Kraakman. The Essential Role of Organizational Law // Yale Law School and Harvard Law School. Working Paper. Chicago, 1999.

[11] Қаранг: André Tunc. A French Lawyer Looks at American Corporation Law and Securities Regulation // U. Pa. L. Rev. 1982. №130. P.759.

[12] Қаранг: William W, Bratton Jr. The New Economic Theory of the Firm: Perspectives from History // Stan. L. Rev. 1989. №41.P.1471.

[13] Қаранг: Mark J. Roe. Political Preconditions to Separating Ownership from Corporate Control // Stan. L. Rev. 2000. №53. P.539.

[14] Қаранг: John Dewey. The Historic Background of Corporate Legal Personality // Yale L. J. 1926. №35. P.655.

[15] Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси. Т.: Адолат, 1996.

қуйидаги асосий белгиларини санаб ўтишимиз мумкин:

1. АЖ – бу муайян ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлиши мумкин бўлган юридик шахс, яъни субъект. Асосан бу ҳуқуқ ва мажбуриятлар фуқаролик-ҳуқуқий хусусият касб этганлиги сабабли Ўзбекистон Республикасидаги АЖ мақоми АҚШ Конституциясига асосан жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин бўлган англо-американ ҳуқуқ тизимидаги мамлакатларда мавжуд АЖлар ҳуқуқий мақомидан тубдан фарқ қилади[1]. Бундай жавобгарлик, фикримизча, ҳеч қандай мантиқ қонунларига тўғри келмасдан, англо-американ ҳуқуқининг назарий "ўхшатиши", яъни АЖ мақомини ҳаддан ташқари жисмоний шахслар мақомига тенглаштириш бўлиб ҳисобланади[2]. Лекин, мазкур параграф АЖ мақомини фуқаролик-ҳуқуқий жиҳатдан кўриб чиқишга бағишланганлиги сабабли, биз АЖнинг жиноят ҳуқуқининг субъектлилиги масаласига алоҳида эътибор қаратишни лозим деб ҳисобламадик.

2. АЖнинг низом жамғармаси акцияларни сотиш ҳисобидан шаклланади ва АЖ мазкур сотишдан тушган, унинг алоҳида мол-мулки ҳисобланган мулкий неъматларга нисбатан мулк ҳуқуқига эга бўлади.

ФКнинг 39-моддасига асосан ҳар бир юридик шахс ўз мулкида, хўжалик юритишида ёки оператив бошқарувида алоҳида мол-мулкка эга бўлиши лозим. Айнан мана шу мол-мулк юридик шахс сифатида АЖнинг ҳуқуқ субъектлилигини келтириб чиқарувчи асос ҳисобланади. Шуни таъкидлаш жоизки, юридик шахслар ўз эгаликларидаги мулкка нисбатан мулк ҳуқуқига эга бўлиши ва бундай ҳуқуққа эга бўлмаслиги ҳам мумкин. Ўз тасарруфида алоҳида мол-мулкка эга бўлмаган унитар корхоналардан фарқли равишда АЖ ва хўжалик жамиятлари кўринишида бўлган юридик шахслар ўзлари эгалик қилиб турган мол-мулкка нисбатан мулк ҳуқуқига эга бўладилар. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги бўйича АЖ ва унинг иштирокчилари ўртасидаги ўзаро муносабатлар умуман олганда мажбурият муносабатлари сифатида расмийлаштирилган.

3. Мазкур юридик шахс иштирокчилари чекланган жавобгарликка эга бўлади[3]. Кўп ҳолларда адабиётларда бу белги акцияларни бир шахсдан иккинчи шахсга эркин ўтишида ёрдам бериши туфайли, ҳатто энг асосий белги сифатида қаралади[4] ва бу мазкур турдаги юридик шахснинг ўзига хос устунлиги ҳисобланади[5]. Бу акциядорлар АЖнинг мажбуриятлари бўйича фақат ўзлари киритган улуш доирасида жавоб бериши ва АЖ ҳам акциядорлар мажбуриятлари учун жавоб бермаслигини билдиради. Бундай хусусияти билан АЖ юридик шахс воситалари етмаганда иштирокчилари қўшимча мулкий жавобгар бўладиган ширкатдан тубдан фарқ қилади[6].

Ўрганилган адабиётлар таҳлили шуни кўрсатдики, бугунги кунда цивилистикадаги асосий баҳслар мавжуд фуқаролик-ҳуқуқий институтларга акциядорлик муносабатларни энг мақбул тарзда киритиш ва акциядорлар ҳуқуқининг пайдо бўлиш манбаини, яъни акциядорларнинг ҳуқуқий мақоми, уларнинг мутлақ ва нисбий ҳуқуқларини тушунтириш масалалари борасида амалга оширилмоқда. Иккала тоифада ҳуқуқларни ҳимоя қилиш усуллари бундай таснифлашнинг асоси бўлиб хизмат қилди ёки Г.Ф.Шершеневич таъкидлаганидек, бундай бўлиниш-нинг моҳияти ижтимоий мақсадга эришишнинг турли ҳуқуқий воситаларига асосланади[7].

Агар мулк ҳуқуқи кирадиган мутлақ ҳуқуқлар, мазкур ҳуқуқлар эгасини ўраб турувчи бир қатор шахсларнинг чекланмаган тажовузидан ҳимоя қилинса, нисбий ҳуқуқлар бирор-бир аниқ шахс ёки аниқ шахслар доирасининг тажовузидан ҳимоя қилинади (масалан, битим бўйича қарздор шахс томонидан ўз мажбуриятларининг бажарилмаслиги). Кўпгина муаллифлар фуқаролик ҳуқуқлари бундай бўлиниш-нинг (нисбий ва мутлақ) шартлилиги ва унча ҳам мақсадга мувофиқ эмаслигини таъкидлашса-да[8], бизнинг фикримизча, бундай таснифлаш фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида ўзининг мақбуллигини исботлади, шунингдек, бундай бўлиниш мазкур муносабатларни тартибга солиш учун фуқаролик ҳуқуқини энг мақбул ва қўллашда оддий бўлган механизм билан таъминлайди. Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, ҳуқуқнинг мазкур соҳасини тизимлаштириш нуқтаи назаридан бундай таснифлаш нафақат Ўзбекистонда, балки иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатлар қаторига кирадиган Германия, Россия, Франция, Япония ва шу каби бир қатор мамлакатларда ҳам кенг қўлланилади[9].

Юқорида таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида акциядорлик жамияти ва унинг иштирокчилари ўртасидаги ўзаро муносабатлар мажбурият муносабатлари сифатида мустаҳкамланган. ФКнинг 234-моддасига асосан "мажбурият – бу фуқаролик ҳуқуқий муносабати бўлиб, унга асосан бир шахс (қарздор) бошқа шахс (кредитор) фойдасига муайян ҳаракатни амалга оширишга, чунончи: мол-мулкни топшириш, ишни бажариш, хизматлар кўрсатиш, пул тўлаш ва ҳоказо ёки муайян ҳаракатдан ўзини сақлашга мажбур бўлади, кредитор эса – қарздордан ўзининг мажбуриятларини бажаришни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади". Бошқача қилиб айтганда, О.С.Иоффе таъкидлаганидек, мажбуриятнинг иқтисодий функцияси мол-мулк ва меҳнат бошқа натижаларининг ишлаб чиқариш соҳасидан муомала ва истеъмол соҳасига ўтишда восита бўлиб хизмат қилишида кўринади[10]. Яъни мажбурият жамиятнинг муайян иқтисодий эҳтиёжларини қондирувчи мол-мулк, иқтисодий неъматларнинг бир шахсдан бошқа шахсга ўтишида ҳуқуқий жиҳатдан восита бўлади. Бундай муносабатлар цивилистика фанида мажбурият муносабатлари деб номланади[11]. Бунда "мажбур бўлган субъект", яъни қарздор томонидан кредитор фойдасига бажарилиши лозим бўлган муайян ҳаракатлар мажбурият объекти бўлиб ҳисобланади[12].

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳамма

---

[1] Қаранг: Morton J. Horwitz. The Transformation of American Law 1870–1960. Boston, 1992. P.65–107.

[2] Қаранг: Gentner & Jeziorski. The Shift from Metaphor to Analogy in Western Science // Metaphor and Thought. 1994. №6(3). P.447, 459.

[3] Қаранг: Cf. John C. Coffee. The Mandatory. Enabling Balance in Corporations Law: An Essay on the Judicial Role // Colum. L. Rev. – 1989. – №89. – P.1618, 1619.

[4] Қаранг: Кулагин М.И. Избранные труды. М.: Статут, 1997. С.51 (в серии "Классика российской цивилистики").

[5] Қаранг: Гражданское право: Учебник В 2 т. Т.I./Под ред. Суханова Е.А. 2-е изд. М.: Изд. "БЕК", 2002. С.232.

[6] Қаранг: ЎзР ФКнинг 60-моддаси 1-қисми. Бу ерда "Иштирокчилари... унинг (ширкатнинг) мажбуриятлари бўйича ўзларига қарашли бутун мол-мулк билан жавоб берадилар" деб кўрсатилади.

[7] Қаранг: Шершеневич Г.Ф. Кўрсат. асар.185-б.

[8] Ўша жойда. 73 б.

[9] Қаранг: Mcneil I.R. The Many Futures of Contracts // Southern California Law Review. 1974. №47. P.691–816.

[10] Қаранг: Иоффе О.С. Обязательственное право. М.: Юрид. лит., 1975.

[11] Қаранг: Гражданское право: Учебник. В 2 т. Т.II. Полутом 1. /Под ред. Суханова Е.А. 2-е изд. М.: Изд. "БЕК", 2002. С.1.

[12] Ўша жойда. 12-б.

мажбуриятлар ҳам иқтисодий эҳтиёжларни қондиришга йўналтирилмаган, чунки қонунчиликка асосан фуқаролик-ҳуқуқий мажбурият зарар етказишдан ҳам келиб чиқиши мумкин. Лекин мазкур тадқиқот ишида биз мажбурият деганда иқтисодий эҳтиёжларни қондиришга йўналтирилган, яъни иккала томоннинг ҳам иродаси билан келиб чиққан мажбуриятларни тушунамиз.

Фикримизча, бу ерда "қарздор" ва "кредитор" атамаларининг қўлланилиши шартли бўлиб, акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар билан бўладиган муносабатларда бу атамаларни айнанлигича қўллаш тушунмовчиликка олиб келади. Кўриб чиқилаётган масаланинг (АЖ ва акциядорлар ўртасидаги муносабатларнинг табиати) мураккаблигини инобатга олиб, биз бу ерда мажбурият муносабатларининг янада низоли назарий жиҳатларига эътибор қаратмасдан, мажбурият ҳуқуқи ва бошқа ҳуқуқий институтлар томонидан тасдиқланган назарий ва амалий меъёрлар билан чекланамиз.

АЖ ва акциядорлар ўртасидаги муносабатларнинг мажбурият муносабатлари ҳисобланиши тўғрисидаги қоида ҳуқуқшунос олимлар ўртасида бир қатор баҳсларга сабаб бўлди. Аксарият муаллифлар бу қоидага қарши бўлиб, ҳатто улар томонидан ҳуқуқий муносабатларнинг мавжуд таснифланишида корпоратив ҳуқуқий муносабатларнинг (ҳуқуқ) ўрнини тушунтириш борасида қийинчиликлар мавжудлиги таъкидланади.

Фикримизнинг исботи сифатида профессор Е.А.Сухановнинг бу борадаги қуйидаги фикрини мисол келтирамиз: "Шундай ҳуқуқий муносабатларни ажратиш мумкинки, корпоратив ҳуқуқлар улар мазмунининг элементи бўлиб ҳисобланади"[1]. Муаллиф фикрича, "субъектларнинг ташкилий-ҳуқуқий тузилмалар – юридик шахс белгиларига эга бўлган корпорацияларда иштирок этиши (аъзолиги) натижасида вужудга келадиган муносабатлар" корпоратив ҳисобланади[2]. Шунингдек, унинг фикрича, "корпоратив ҳуқуқий муносабатларнинг вужудга келиши турли асослар – таъсис шартномасида иштирок этиш, ширкатга кириш, акцияларга нисбатан мулк ҳуқуқини қўлга киритиш кабилар бўлиши мумкин". Корпоратив ҳуқуқлар туфайли корпорация иштирокчилари корпорация ва унинг мулкини бошқаришдаги турли шаклларда иштирок этиши мумкин. Ўзларининг корпоратив ҳуқуқларини амалга ошириш орқали корпорация иштирокчилари фуқаролик ҳуқуқининг мустақил субъекти–юридик шахс ҳисобланган мазкур корпоратив тузилманинг иродаси шаклланишига таъсир кўрсатадилар. Бундай ҳолат фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш учун ўзига хос бўлиб ҳисобланади, чунки умумий қоидага кўра фуқаролик муносабатларида субъектлар бир-биридан нисбатан мустақил бўлганликлари сабабли контрагентнинг иродасини шакллантиришда иштирок эта олмайдилар[3].

Мазкур фикрдан шундай хулосага келиш мумкинки, Е.А.Суханов корпоратив муносабатларни муайян ҳуқуқий муносабатлар мазмунининг элементи сифатида баҳолайди. Бу корпоратив муносабатлар бошқа турдаги ҳуқуқий муносабатлар билан биргаликда мавжуд бўлиши ва биргаликда муайян турдаги аралаш муносабатларни ташкил этишини билдиради. Лекин шуни таъкидлаш жоизки, муаллиф бу муносабатларни на мутлақ, на нисбий муносабатларга киритмайди.

[1] Ўша жойда. 100-б.
[2] Ўша жойда. 102-б.
[3] Ўша жойда. 103-б.

Мазкур масалани амалдаги қонунчилик нуқтаи назаридан кўриб чиқамиз. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида АЖ ва акциядорлар ўртасидаги муносабатлар мажбурият муносабатлари сифатида мустаҳкамланган[4]. Қонуннинг 2-моддаси 1-бандида кўрсатилишича, "акциялар жамиятнинг акциядорлар олдидаги мажбуриятини тасдиқлайди". Бундан шундай хулосага келиш мумкинки, мазкур мажбурият муносабатлари бир томонлама хусусиятга эга, яъни акциядорлик жамияти акциядорларга нисбатан мажбуриятларга эга бўлади, аксинча эмас.

Шундан келиб чиқиб, фикримизча, мазкур ўзаро муносабатларнинг қуйидаги хусусиятини кўрсатишимиз мумкин. Қонунчиликка асосан, АЖ алоҳида ҳуқуқ субъекти ҳисобланади ва унинг субъект сифатида вужудга келишида у биринчи навбатда акциядорлар олдида мажбуриятга эга бўлади, чунки айнан акциядорлар киритган улушлар туфайли АЖда фаолият юритиш учун воситалар пайдо бўлади ва у бошқа субъектлар билан ҳуқуқий муносабатларга кириш имкониятига эга бўлади. АЖ алоҳида ҳуқуқ субъекти ҳисобланганлиги ва мол-мулкни акциядорлардан олиши сабабли ҳамда бундан кейин АЖ ҳуқуқий мулкдор сифатида чиқишини инобатга олиб, хайр-эҳсон қилиш учун эмас, балки муайян муқобил ҳаракатга умид қилиб, яъни дивиденд олиш ҳуқуқини қўлга киритган ҳолда акциядорлар тегишли равишда ўз воситаларини АЖ номига расмийлаштирадилар[5]. Шундай экан, акциядорларнинг АЖдан дивиденд олиш ҳуқуқи АЖнинг шундай дивидендларни тўлаш, яъни акциядорлар манфаатларида ишлаш мажбуриятидан далолат беради. Шу ердан кўриниб турибдики, биринчидан, АЖ ва акциядорлар мазкур муносабатларнинг иштирокчилари бўлиб ҳисоблансалар, иккинчидан, юқорида кўрсатилган ҳолат АЖ ва акциядорлар ўртасидаги муносабатларни мажбурият муносабатлари сифатида расмийлаштиришни шарт қилиб қўяди.

Шуни таъкидлаш жоизки, замонавий фуқаролик-ҳуқуқий доктринада умум эътироф этилган қоидага кўра битимлар ва деликтлар (зарар етказиш) мажбуриятларни вужудга келтирувчи асос юридик фактлар бўлиб ҳисобланади[6]. Бунда мустақил субъект сифатида АЖ ва бошқа шахс ўртасида мўлжалланаётган битим тузилади ва шу битимга асосан мазкур шахс АЖга мулкий неъматлар беришга, жамият эса бунга муқобил тарзда унинг фойдасига муайян ҳаракатлар содир этиш ва дивиденд кўринишидаги тўловлар тўлаш мажбуриятини олади. Қимматли қоғозларни иккинчи марта чиқарганда фикримизча, бундай фараз ҳуқуқий жиҳатдан реал бўлиб ҳисобланади, чунки бунда акциядор ва АЖ қўшимча акцияларни сотиб олиш бўйича шартнома тарафлари сифатида чиқади. Лекин АЖни таъсис этиш вақтида, уни давлат рўйхатидан ўтказишга қадар у мавжуд бўлмайди ва ўзининг вужудга келишида АЖ ўз иродасига эмас, балки унинг муассислари иродасига боғлиқ бўлган ҳолда мажбурият олади. Умуман фуқаролик-ҳуқуқий битимни тузиш учун ҳар иккала томоннинг ҳам иродаси талаб этилади, лекин АЖни таъсис этиш вақтида унинг мажбуриятлари фақат

[4] Қаранг: ЎзР ФКнинг 48-моддаси, 2-қисми, 2-банди.
[5] Қаранг: Endogenously determined: Harold Demsetz & Kenneth Lehn. The Structure of Corporate Ownership: Causes and Consequences // J. Pol. Econ. 1985. №93. P.1155.
[6] Масалан, бундай қоида ЎзР ФКнинг 234-моддаси 2-қисмида назарда тутилган.

унинг муассислари томонидан белгиланади.

Иккиламчи эмиссияда ҳам деярли шундай бўлади. Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунга асосан қўшимча акциялар чиқариш тўғрисидаги қарор акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади ва иштирокчилар ҳамда бошқа шахслар бу акцияларни сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлади. Бунда шартнома гарчи расмий равишда АЖ ва акциядорлар ўртасида тузилса-да, аслида бундай шартнома тузиш бўйича АЖ иродасини акциядорларнинг ўзлари белгилайдилар, натижада юқоридагига ўхшаган ҳолат вужудга келади.

Шу билан бирга, акциядорлар АЖга ўз мулкларини топширадилар ва келажакда бу мулклар ҳуқуқий жиҳатдан АЖнинг мулкига айланади. Бунинг эвазига АЖ қуйидаги муайян мажбуриятларни ўз зиммасига олади: акциядорлар умумий йиғилиш ваколатига кирадиган барча масалалар юзасидан овоз бериш ҳуқуқи билан унда иштирок этиш, дивиденд олиш, жамият тугатилган ҳолларда эса унинг мол-мулки бир қисмини олиш каби асосий ҳуқуқларга эга бўлишади[1]. Ўз навбатида, акциядорларнинг мазкур ҳуқуқлари муайян тарзда ҳимояланиши лозим. Демак, акциядорлар ва АЖ ўртасидаги муносабатлар мажбурият муносабатлари хусусиятларига тўлиқ мос келмасада, лекин анъанавий ҳуқуқий маънода мавжуд фуқаролик-ҳуқуқий институтлар асосида мазкур муносабатлар фикримизча, мажбурият муносабатлари деб малакаланиши керак.

Айнан шунда Е.А.Суханов томонидан корпоратив муносабатлар бошқа муносабатларнинг элементи сифатида тушунтирилишининг сабабини кўриш мумкин. Гарчи акциядорлар ва АЖ ўртасидаги муносабатлар мажбурият муносабатлари сифатида расмийлаштирилса-да, акциядорларнинг АЖни бошқаришда иштирок этиши, яъни унинг иродасини белгилаши туфайли улар анъанавий фуқаролик-ҳуқуқий тушунишдаги мажбурият муносабатлари ҳисобланмайди. Шундан келиб чиқиб, Е.А.Сухановнинг фикрини инобатга олган ҳолда корпоратив ҳуқуқ мажбурият ҳуқуқи билан параллел равишда мавжуд бўлади деган фикрни илгари суришимиз мумкин. Агар акциядорлар ва АЖ ўртасидаги дивиденд тўлашга оид муносабатлар мажбурият муносабатлари сифатида белгиланадиган бўлса, у ҳолда унинг фикрича, АЖни акциядорлар томонидан бошқаришга оид муносабатларни корпоратив муносабатлар деб ҳисоблаш мумкин.

Д.В.Ломакин ҳам фикримизча, шунга ўхшаш фикр билдиради. Мазкур масалани кўриб чиқар экан у, мажбурият ҳуқуқий муносабатларининг қуйидаги уч асосий белгиларини алоҳида ажратади: уларнинг мулкий ва нисбий хусусиятини, шунингдек мажбур шахслар фаол ижобий ҳаракатларининг мавжудлигини. Бунда у "акциядорлик ҳуқуқий муносабатлар ва тегишли равишда аъзолик ҳуқуқлари тўлиқ ҳажмда мутлақ ҳуқуқлар доирасига ҳам, нисбий ҳуқуқлар доирасига ҳам кирмайди" деган хулосага келади[2]. Муаллиф фикрича, АЖ ва акциядорлар ўртасидаги муносабатлар аввало мажбурият муносабатларининг биринчи белгисига мос келмайди, яъни мулкий хусусият фақат дивиденд олиш ва тугатишда улуш олиш ҳуқуқларидагина мавжуд бўлади. Бундан ташқари, ахборот олиш ва ҳужжатлар билан танишиш ҳуқуқи, шунингдек АЖ ва акциядорлар ўртасидаги муносабатларнинг бир қисмини ташкил этувчи овоз бериш ҳуқуқи билан боғлиқ муносабатлар номулкий характердаги ҳуқуқлар ҳисобланганлиги сабабли мажбурият муносабатлари қаторига кирмайди.

Ўз навбатида бу борада В.А.Белов қуйидаги фикрни билдиради: "мулкий ҳуқуқлар шахснинг жамият фаолиятида мулкий (моддий) иштирокининг воситаси бўлиб ҳисобланади. Бундай иштирок этиш жамият аъзоларининг АЖ даромади ёки уни тугатишдан кейин қолган мол-мулкини тақсимлашда иштирок этишида ифодаланиши мумкин. Бундай ҳолда моддий табиатга эга бўлган жамият ва иштирокчилар ўртасида муносабатлар мавжуд бўлади"[3]. Шунингдек, В.А.Беловнинг фикрича "мулкий ҳуқуқлардан фарқли равишда бошқа барча ҳуқуқлар (жамиятни бошқаришда иштирок этиш, жамиятнинг ҳужжатлари билан танишиш ва унинг фаолияти ҳақида ахборот олиш ҳуқуқлари) ўзининг объекти бўйича моддий моҳиятга эга бўлмайди". Шунга қарамасдан "мазкур ҳуқуқлар иштирокчиларнинг моддий манфаатдорлиги билан чамбарчас боғланган, чунки жамиятнинг умумий йиғилишида фаол иштирок этишдан асосий мақсад корпоратив сиёсатга таъсир кўрсатиш ва пировард натижада олиши керак бўлган даромадини ошириш бўлиб ҳисобланади"[4]. Шу билан бирга В.А.Белов акциядорларнинг бундай иштироки ҳар доим ҳам мулкий натижалар бермаслиги ва кўп ҳолларда акциядорлар "фақат оддий иштирок этиши" туфайли мазкур ҳуқуқлар мулкий ҳуқуқ ҳисобланмаслигини таъкидлайди.

Фикримизча, бундай ҳолатда Д.В.Ломакин ва В.А.Белов бир томондан дивиденд ва тугатишда улуш олиш ҳуқуқи ва иккинчи томондан ахборот олиш, овоз бериш ва ҳужжатлар билан таншиб чиқиш каби ҳуқуқлардаги ўзаро муносабатларнинг табиатини инобатга олмайди. Бу масалада Д.И.Дедов қуйидаги фикрни илари суради: "Баъзи олимларнинг (масалан, А.М.Эрделевскийнинг[5]) акциядорларнинг иштирок этиш ҳуқуқига шахсий номулкий ҳуқуқларнинг бир тури сифатида қараши номақбул ҳисобланади"[6]. Унинг фикрича, бундай тушуниш аввало акциядорлар Қонун ва ФКга асосан эга бўладиган мажбурият ҳуқуқи моҳиятини нотўғри талқин этиш билан боғлиқ. Акциядорлар "улар ашёвий ҳуқуқларнинг вужудга келиши билан боғлиқ бўлмаслиги ҳам мумкин, лекин улар ўзида бошқа шахсга нисбатан акциядорлар манфаатларида бирор ҳаракатлар қилиш (масалан, жамият томонидан акциядорнинг умумий йиғилиш ва овоз беришда иштирок этиш ҳуқуқининг таъминланиши) билан боғлиқ муайян талабларни акс эттириши мумкин[7].

Ўз моҳиятига кўра акциядорларнинг мазкур ҳуқуқларини уларнинг ўзини ҳимоя қилиш ҳуқуқи сифатида кўриб чиқаяпмиз. Акциядорлик жамияти томонидан йирик битим тузилганлиги ҳақидаги ахборотнинг ошкор этилишини бунга мисол сифатида олиш мумкин. Қонуннинг 90-моддаси 3-қисмига кўра битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада жамият активлари баланс қийматининг эллик фоизидан ортиқ қийматни ташкил этувчи мол-мулк

---

[1] Қаранг: Ўзбекистон Республикаси "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунининг 29-моддаси 2-банди.
[2] Қаранг: Ломакин Д.В. Акционерное правоотношение. М., 1997. С.29.
[3] Ўша жойда. 143-б.
[4] Ўша жойда. 144-б.
[5] Қаранг: Эрделевский А.М. Кўрсат. асар 47-б.
[6] Қаранг: Башкинскас В.Ю., Дедов Д.И., Карелина С.А. Кўрсат. асар 147-б.
[7] Ўша жойда.

хусусида йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор акциядорлар умумий йиғилиши томонидан йиғилишда қатнашаётган овоз берувчи акциялар эгалари бўлган акциядорларнинг тўртдан уч қисмдан иборат кўпчилик овози билан қабул қилинади. АЖнинг жорий битимлари эса одатда жамиятнинг ижро органи томонидан тузилади. Лекин ўз навбатида бундай битимлар АЖ мулкининг жуда катта қисмини ташкил этади ва уларда бирор камчилик бўлган тақдирда, бу ҳолат мазкур мулкнинг қўлдан чиқарилиши ва АЖнинг тугатилишига ҳамда тегишли тарзда акциядорлар акцияларининг қиймати йўқолишига олиб келиши мумкин. Шунинг учун бундай битимни тузиш чоғида ҳам жамиятнинг ижро органи акциядорларни хабардор қилиши ва улар мазкур битимни баҳолаб, уни фойдасиз деб топган ҳолларда битим тузилишига қарши овоз беришлари мумкин. Бундан ахборотга бўлган ҳуқуқ ва овоз бериш ҳуқуқи акциядорларнинг мулкий манфаатларини амалга ошириш учун уларга ўз-ўзини ҳимоя қилишида восита бўлиб хизмат қилади деган хулосага келиш мумкин.

Юқоридагилардан акциядорларнинг номулкий ҳуқуқлари аслида уларнинг мулкий ҳуқуқлари билан чамбарчас боғлиқлилиги кўриниб турибди. Масалан, қандайдир ишни яратган муаллиф мазкур ишга нисбатан мутлоқ мулкий ҳуқуқлар билан бир қаторда автоматик тарзда номулкий ҳуқуқларни – уни муаллиф деб топиш ҳуқуқини ҳам қўлга киритади[1]. Агар бунда муаллифнинг мулкий ҳуқуқлари уни мазкур ишдан муаллиф розилигисиз тижорат мақсадларида ноқонуний фойдаланишдан ҳимоя қилса, унинг номулкий ҳуқуқлари мазкур иш муаллифи титулини бирор шахс томонидан ўзлаштириб олинишидан ҳимоя қилади[2]. АЖ билан боғлиқ ҳолатда эса акциядорларнинг барча ҳуқуқлари фикримизча, пировард натижада ягона объектга – акциядорлик жамиятида улуш киритиш натижасида вужудга келган мулкий ҳуқуқларига қаратилади.

Д.В.Ломакин ёки В.А.Беловнинг фикрларига асосланадиган бўлсак, у ҳолда муайян маҳсулотни сотиб олиш битимини тузаётган вақтда харидорнинг маҳсулот сифати ёки унинг бошқа бирор хусусияти ҳақида ахборот олиш ҳуқуқини номулкий ҳуқуқ сифатида малакалаш лозим бўлади. Агар харидор маҳсулотнинг хусусиятларини акс эттирувчи ахборотлардан ҳар доим ҳам фойдаланмаса, бу ҳолат харидорнинг мазкур ахборотни олиш ҳуқуқини номулкий деб топиш учун асос ҳисобланмайди. Шундан келиб чиқиб, фикримизча, Д.В.Ломакиннинг АЖ ва акциядорлар ўртасидаги муносабатлар акциядорларда ахборот олиш, овоз бериш каби ҳуқуқларнинг мавжудлиги туфайли мажбурият муносабатлари ҳисобланмаслиги борасидаги фикри етарли даражада асосланмаган. Қонунга асосан АЖ, унинг раҳбарияти акциядорларнинг мазкур ҳуқуқларини амалга оширишларини таъминлашлари лозим, акс ҳолда бу ҳолат уларнинг мулкий ҳуқуқларига тўғридан-тўғри зарар етказилиши мумкин.

Д.В.Ломакиннинг фикрича иштирокчилар ҳуқуқлари ўз фаолиятининг ҳамма босқичларида ҳам муаяйн талабларни ўзида акс эттирмайди. Йиллик йиғилиш томонидан тегишли қарор қабул қилинмагунга қадар, яъни даромадни тақсимлаш ёки дивидендларни эълон қилиш вақтигача талаб қилиш предмети мавжуд бўлмайди ва АЖ иштирокчиси одатда у ёки бу молия йилида жамият унга тўлаши лозим бўлган даромад улуши миқдорини билмайди. Акциядорларда мавжуд ягона имконият бу - дивидендларни эълон қилиш масаласини ҳал этишда иштирок этиш ҳуқуқи бўлиб, Д.В.Ломакиннинг фикрича, бу ҳуқуқ мулкий қимматга эга бўлмайди[3].

Шундай қилиб, Д.В. Ломакин хулосаларига асосан ягона мақсадга эга бўлган муносабатлар мазкур мақсадга эришиш босқичларидан келиб чиққан ҳолда турли табиатга эга бўлиши мумкин. Дивидендлар эълон қилингунига қадар акциядорларнинг мазкур дивидендларга нисбатан ҳуқуқлари корпоратив хусусият касб этса, улар эълон қилинганидан кейин, яъни дивидендларнинг аниқ моддий қиммати белгилангандан кейин мазкур ҳуқуқлар мажбурият хусусиятига эга бўлади[4].

Фикримизча, Д.В.Ломакин дивидендлар эълон қилинганидан кейин улар акциядорларнинг мулкига ёки Е.А.Суханов таъкидлаганидек, уларнинг активларига айланишини инобатга олмайди[5]. Албатта, бу дивидендлар дарҳол акциядорларнинг тасарруфига ўтмайди, лекин моддий ва кўп ҳолларда пул шаклида ифодаланадиган дивидендларнинг янги эгалари (акциядорлар) пайдо бўлади. Дивидендларни қўлга киритгунга қадар эса акциядорларда АЖдан мулкий неъматларни бериш билан боғлиқ эмас, балки акциядорларга уларнинг дивидендга нисбатан мулк ҳуқуқини амалга ошириш учун шароит яратиш билан боғлиқ ҳаракатлар қилишни талаб қилиш ҳуқуқи мавжуд бўлади. Бундан шундай хулосага келиш мумкинки, дивидендлар эълон қилинганидан кейин акциядорларнинг ҳуқуқлари Д.В.Ломакин ўйлаганидек мажбурият хусусиятига эмас, балки ашёвий хусусиятга эга бўлади ва ашёвий-ҳуқуқий ҳимоя қилинади.

П.В. Степанов Д.В.Ломакиннинг фикрига қарши равишда қуйидаги фикрни илгари суради: "дивиденд олиш ҳуқуқи, худди тугатишда улуш олиш ҳуқуқи каби ўз мавжудлигининг барча босқичларида фақат корпоратив ҳуқуқ ҳисобланади ва ҳеч қандай шароитларда мажбурият муносабатларига "айланмайди" ҳамда акциядорлар умумий йиғилишининг қарори ва унинг тугатилганлиги факти акциядорлар томонидан ўзларининг дивиденд ва тугатиш улушини олиш билан боғлиқ корпоратив ҳуқуқини амалга ошириш учун шароит бўлиб ҳисобланади"[6].

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, фуқаролик ҳуқуқининг асосий мақсади – унинг субъектлари иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлиб ҳисобланади. Фуқаролик ҳуқуқида ҳуқуқий муносабатларни таснифлаш эса мазкур ҳуқуқий муносабатларни ҳимоя қилиш усулларига боғлиқ бўлади. Бу борада Е.А.Суханов қуйидаги фикрни билдиради: "мутлоқ ва нисбий ҳуқуқий муносабатларни амалий жиҳатдан чегаралаш шу билан изоҳланадики, мутлақ ҳуқуқ бузилган тақдирда ҳимоя ва жавобгарлик воситалари хоҳлаган шахсга, нисбий ҳуқуқ бузилганда эса фақат аниқ бир шахсга нисбатан қўлланилиши мумкин... Бунда қонунчиликда фуқаролик-ҳуқуқий ҳимоя чораларнинг икки мустақил йўналиши шаклланади: биринчиси мутлақ ҳуқуқни, иккинчиси нисбий ҳуқуқни ҳимоя қилишга мўлжалланган бўлади"[7].

---

[1] Масалан, ФКнинг 1033- моддаси (Интеллектуал мулк объектларига нисбатан мулкий ва номулкий ҳуқуқлар)
[2] Қаранг: Landes W.M., Posner R.A. An Economic Analysis of Copyright Law // Journal of Legal Studies. 1999. №7(16). P.18.
[3] Қаранг: Белов В.А., Пестерева Е.В. Кўрсат.асар 134–136-бетлар.
[4] Ўша жойда. 135-б.
[5] Қаранг: Гражданское право: В 2 т. Т.I. С.229.
[6] Қаранг: Степанов П.В. Кўрсат. автореф. 10, 20–22-бетлар.
[7] Қаранг: Гражданское право: В 2 т. Т.I. С.101.

Биз бу ерда акциядорларнинг АЖ билан қонуний расмийлаштирилган муносабатларидан келиб чиқмоқдамиз. Масалан, Е.В.Пестереванинг фикрича, "корпоратив ҳуқуқлар мажбурият ҳуқуқлари билан бир қаторда субъектив фуқаролик ҳуқуқи тизимига кирувчи нисбий ҳуқуқлар деб тан олиниши ва мажбурият ҳуқуқлари билан қўшилиб кетмаслиги лозим"[1]. Балки бу муносабатларни мажбурият муносабатлари сифатида таърифлаш мажбуриятларнинг стандарт тушунилишига қаршидир, лекин ҳар қандай ҳолда ҳам бу муносабатлар нисбий ҳисобланади ва акциядорларнинг ахборот олиш ёки АЖни бошқаришда иштирок этиш каби ҳуқуқлари бузилишида АЖ жавобгарликка тортилганлиги сабабли акциядорларнинг мулкий ҳуқуқларига зарар етказиши мумкин бўлган АЖнинг акциядорларга нисбатан ҳаракати акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш предмети бўлиб ҳисобланади.

Ўз мулкини АЖга топшириш натижасида акциядорлар ўзларининг асосий ҳуқуқларидан бири бўлган ва АЖни ташкил этишнинг асосий мақсади ҳисобланган дивиденд олиш ҳуқуқини қўлга киритадилар. АЖ ўзининг тадбиркорлик фаолиятида акциядорлар томонидан берилган мулкдан фойдаланади ва олинган даромаднинг бир қисмини уларга дивиденд сифатида беради. Қонуннинг 53-моддаси 1-қисмига асосан "дивиденд фойданинг солиқлар ва мажбурий тўловлар тўланганидан, қайта инвестиция амалга оширилганидан сўнг акциядорлар жамияти ихтиёрида қоладиган, акциядорлар ўртасида тақсимланиши керак бўлган қисми". Пировард натижада АЖ ўзининг барча мажбуриятлари бўйича акциядорларга акцияларни сотиш ҳисобидан уларнинг улушлари асосида шаклланган жамиятнинг низом жамғармасини ташкил этувчи мол-мулк билан жавоб беради.

Акциядорларнинг ҳуқуқлари бузилган ҳолларда ҳам жавобгарлик АЖ зиммасида бўлади. Қонуннинг 58-моддасида кўрсатилганидек "эмитент акциядорларнинг умумий йиғилиши белгилаган муддатларда дивидендларни ўз айби билан тўламаган тақдирда тўланмаган ва тўлиқ олинмаган дивидендлар юзасидан Марказий банк белгилаган такрор молиялаш ставкалари бўйича пеня ёзилади. Акциядорлик жамияти эълон қилган дивидендларни тўлашни акциядор суд тартибида талаб қилишга ҳақлидир. Талаб рад этилган тақдирда, жамиятга нисбатан қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган тартибда тўловга қобилиятсизликни бартараф этиш ёки банкрот бўлган деб эълон қилиш тадбири қўлланилади."

Юқоридагилардан кўриниб турганидек, акциядорларга дивиденд тўлаш билан мажбуриятдан ташқари АЖ зиммасига пеня тўлаш ҳам юклатилиши мумкин. Демак, АЖ акциядорлар билан уларнинг ўзидан олинган воситалар ҳисобидан ҳисоб-китоб қилади.

АЖнинг кредит мажбуриятларидан ташқари соф активлари унинг низом жамғармасидан кўп бўлган ва мавжуд воситалар акциядорлар билан ҳисоб-китоб қилиш учун етарли бўлмаган ҳолларда ҳам АЖ барча тўловларни, шу жумладан олинган кредитлар бўйича фоизлар, жарима, неустойка кабилар учун тўловларни акциядорларнинг воситалари ҳисобидан амалга оширади[2].

Юқорида кўриб чиқилган материаллардан кўриниб турганидек, кўпгина муаллифлар АЖ ва акциядорлар ўртасида қонуний мустаҳкамланган муносабатларга мажбурият муносабатлари сифатида қарашади. Мазкур муносабатларнинг мажбурият ҳуқуқи сингари фуқаролик ҳуқуқининг классик институтлари учун ўзига хослиги бунинг асосий сабаби бўлиб ҳисобланади.

Фикримизча, баъзи муаллифлар томонидан мазкур муносабатларнинг нотўғри талқин этилиши улар томонидан АЖ каби корпоратив субъект моҳиятининг ўзига хос хусусиятларининг инобатга олинмаганлиги натижаси бўлган.

Назаримизда, АЖ ва акциядорлар ўртасидаги баъзи муносабатлар ахборот олиш, ҳужжатлар билан танишиш ва овоз бериш ҳуқуқларини инобатга олган ҳолда ўз хусусиятига кўра мулкий муносабатлар ҳисобланади. Акциядорларнинг мазкур ҳуқуқлари ўз табиатига кўра уларнинг дивиденд ва тугатиш қолдиғини олиш ҳуқуқлари каби асосий мулкий ҳуқуқлари ифодаси бўлиб ҳисобланади ва шунинг учун улар ҳам фикримизча, акциядорларнинг мулкий ҳуқуқлари ҳисобланади, чунки бу ҳуқуқлар ҳар қандай ҳолатда ҳам мулкий манфаатларни амалга оширишга қаратилган бўлади. Мазкур ҳуқуқларнинг акциядорлар учун бутун қиммати айнан шунда бўлиб ҳисобланади.

Мазкур муносабатларнинг мажбурият ҳуқуқининг классик институтига тегишли эмаслиги борасидаги бизнинг асосий далилимиз шундан иборатки, акциядорларнинг ҳуқуқлари бузилган ҳолларда акциядорлик жамиятини бундай муносабатларнинг субъектлари қаторига киритиб бўлмайди, чунки АЖ зиммасига турли хилдаги жавобгарликнинг юклатилиши пировард натижада акциядорларнинг мулкий манфаатлари бузилишига олиб келади.

Тегишинча, АЖ ва акциядорлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг моҳиятини хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва тажрибасини ўрганган ҳолда ҳар томонлама ва чуқур ўрганиш муҳим бўлиб ҳисобланади. Бунда корпоратив муносабатларнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Корпоратив муносабатлар моҳиятини кўриб чиқиб, улар биринчи навбатда иқтисодий муносабатлар ҳисобланади деган хулосага келдик, чунки уларнинг асосий мақсади акциядорларга ўхшаш субъектлар доираси учун моддий неъматлар яратишдан иборат. Бу корпоратив муносабатларни тартибга солишда мазкур муносабатларнинг иқтисодий мақсад ва моҳияти инобатга олиниши лозимлигини билдиради. Акциядорларнинг ҳуқуқий мақомини иқтисодий таҳлил этиш шуни кўрсатдики, мутлақ-ҳуқуқий сингари корпоратив жиҳатдан ҳам акциядорларнинг мақоми ўзаро боғлиқликка эга бўлади. Бунда мутлақ-ҳуқуқий мақомнинг ҳуқуқий мазмуни корпоратив ҳуқуқларнинг ҳимоя қилинганлик даражасига боғлиқ бўлади. Бундан қимматли қоғозларнинг иккиламчи фонд бозорида айланиши билан боғлиқ муносабатлар қисман корпоратив муносабатлар мазмунига киради деган хулосага келиш мумкин. Бу мулк ҳуқуқи объекти сифатида акциялар табиатининг ўзига хослиги билан тушунтирилади. Бу ўзига хос хусусиятлар қуйидагилар: биринчидан, бундай турдаги қимматли қоғозларнинг моддий қийматини олдиндан аниқлаб бўлмайди ва кўп жиҳатдан акциядорлик жамияти унумдорлигининг натижаси ҳисобланган дивидендларга боғлиқ бўлса, иккинчидан, бошқа турдаги қимматли қоғозлардан

---

[1] Қаранг: Белов В.А., Пестерева Е.В. Кўрсат. асар 139-б.

[2] Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Маркази томонидан акциядорлик жамиятлари ва инвестициявий институтлар фаолияти текширилиши натижасида аниқланган қоидабузарликларга нисбатан биргина 2003 йилда қарийб 174 млн. сўм миқдордаги иқтисодий санкция қўлланилган. Қаранг: ЎзР ДМҚнинг 2003 йилги Ахборотномаси Т., 2004. 8 - илова.

фарқли равишда акциялар олдиндан белгиланган пул қийматини талаб қилиш ҳуқуқини ўзида акс эттирмайди, ва шунинг учун дивидендлар бўлмаган ҳолда улар АЖ тугатилганда акциялар тугатиш қолдиғини олишини инобатга олмаганда ўзининг моддий қимматини бутунлай йўқотади. Лекин АЖ бир меъёрда фаолият юритган ҳолларда акциядорларнинг мулкий ҳуқуқлари фақат дивиденд олишга қаратилади. Шундан келиб чиққан ҳолда, асосий хулоса шуки, акциядорларнинг ҳимоя қилиб бўладиган ягона ҳуқуқи – бу уларнинг дивиденд олиш ҳуқуқидир.

Лекин дивидендларнинг аниқ мазмунини олдиндан билиб бўлмаслик ва тегишли равишда ҳимоянинг ҳуқуқий механизмларини ишлаб чиқиб бўлмаслик сабабли дивиденд олиш ҳуқуқи каби мулкий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш жуда мураккаб бўлиб ҳисобланади.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, акциядорларнинг қолган барча ҳуқуқлари уларнинг дивиденд олиш ҳуқуқининг ҳосиласи бўлиб ҳисобланади. Уларга одатда бошқариш ва ахборотга бўлган ҳуқуқлар киради. Фикримизча, акциядорларнинг бундай ҳуқуқлари биринчидан, акциядорлар улушларининг мулкий таъминланмаганлиги ва иккинчидан эса дивидендларнинг ҳақиқий мазмуни ноаниқлиги билан изоҳланади. Шунинг учун мазкур ҳуқуқлар акциядорларга ўзини ҳимоя қилиш воситаларини бериш орқали уларнинг дивидендга бўлган ҳуқуқларини тўлдиради ва мустаҳкамлайди. Акциядорлар ҳуқуқларининг йирик акциядорлар томонидан бузилиши фикримизча, улар ҳуқуқлари бузилишининг ҳосила шакли бўлиб ҳисобланади.

Ўрганилган материаллар далолат беришича, мажбурият муносабатлари мавжуд, лекин уларни классик мажбурият ҳуқуқи ёрдамида тўғридан-тўғри талқин қилмаслик лозим, чунки бундай ҳолда мазкур муносабатлар доираси иқтисодий жиҳатдан мантиқсиз равишда белгиланган бўлади. Фикримизча, акциядорларнинг корпоратив ҳуқуқлари, яъни АЖнинг капиталида иштирок этишдан келиб чиқадиган ҳуқуқлари бузилган вақтда АЖнинг иродасини аниқлайдиган ва ҳаракатлари билан акцядорларнинг ҳуқуқлари бузилган рақобатчи шахслар мажбуриятларни бажариш субъекти бўлиши лозим. Қонуннинг 105-моддаси 2-банди шундай мажбуриятга мисол бўлиши мумкин: "жамиятда бухгалтерия ҳисобкитобини ташкил этиш, унинг ҳолати ва тўгри юритилиши, тегишли органларга ҳар йилги ҳисобот ва бошқа молия ҳисоботлари, шунингдек акциядорлар, кредиторлар ва оммавий ахборот воситаларига жамият фаолиятига доир маълумотлар ўз вақтида тақдим этилиши учун жавобгарлик қонун ҳужжатларига мувофиқ ижроия органи зиммасида бўлади". Бу ерда расмий равишда бундай мажбурият алоҳида субъект сифатида АЖга юклатилган. Масалан ҚҚБФМНМ томонидан тасдиқланган Қимматли қоғозлар бозори иштирокчилари томонидан ахборотни ошкор этиш тўғрисидаги Низомда ахборотни ошкор этиш бўйича мужбурият субъекти этиб эмитент, яъни АЖ белгиланган[1].

Ҳақиқатдан ҳам, мазкур ҳолатда АЖнинг иродасини белгиловчи шахслар мажбуриятни бажариш субъектлари бўлиб ҳисобланади. Англо-америкаn ҳуқуқидаги корпоратив муносабатларда акциядорлар ва бошқарувчилар ўртасида тузиладиган шартномаларда бошқарувчилар акциядорлар мулкларини уларнинг манфаатларида бошқариш мажбуриятини оладилар. Айнан компания бошқарувчилари каби узоқ йиллар мобайнида корпоратив муносабатларни тартибга солишда ўзининг самардорлигини кўрсатган ҳалоллик, ғамхўрлик мажбуриятларига эга бўлишлари лозим. Худди шундай мажбурият йирик акциядорлар зиммасида ҳам мавжуд бўлади. Натижада асосий корпоратив ҳуқуқлар бузилган тақдирда АЖ иродасини белгиловчи аниқ шахслар жавобгарликка тортилади.

Юқоридагиларнинг барчаси олимларнинг корпоратив муносабатлар моҳиятига, айниқса акциядорлар ва бошқарув, йирик ва кичик акциядорлар ўртасидаги муаммоларга биринчи навбатда корпоратив фаолиятнинг бошқа иштирокчиларини ҳам унутмаган ҳолда барча акциядорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини максимал даражада ҳимоя қилиш нуқтаи назаридан янада чуқуррoқ кириши лозимлигидан далолат беради.

**Резюме**

Статья посвящена вопросам отношений между акционерными обществами и акционерами в цивилистике. На основе изучения широкой научной литературы и отечественного законодательства по данному вопросу автор рассматривает такие актуальные проблемы, как, правовой статус акционеров, агентская теория, ответственность корпораций.

Статья состоит из двух логических частей. В первой части автор рассматривает различные подходы к вопросу правовой природы отношений между АО и акционерами.

Во второй части автор обоснованно выдвигает свою точку зрения по рассмотренному вопросу. В частности, он считает, что отношения между АО и акционерами не являются обязательственными, поскольку в случае нарушения прав акционеров АО не считается субъектом рассматриваемых отношений (между АО и акционерами). Наложение ответственности на АО приведет к нарушению имущественных интересов самих же акционеров.

**Abstract**

The article deals with the relationship between PLCs and shareholders under civil law. After having read the extensive scientific literature and the domestic legislation on the question, the author examines current problems such as the legal status of shareholders, the agency theory and the responsibility of corporations.

The article consists of two parts. In the first part the author considers various approaches to the question of the legal nature of the relationship between PLCs and their shareholders.

In the second part the author gives his point of view on this issue. In particular, he thinks that the relationship between PLCs and their shareholders is not regulated by law, because it does not regulate the issue of infringement of the shareholders' rights.

[1] Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 18.04.2002 йилда 1127-сон билан рўйхатга олинган, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Марказининг 2002 йил 27 мартдаги 2002-06-сонли Буйруғи билан тасдиқланган Қимматли қоғозлар бозори иштирокчилари томонидан ахборотни очиш тўғрисида Низом.